

УДК 002.6

ENGINEERING SAFETY AND TECHNICAL PROTECTION OF OBJECTS

F.F. Norova¹*Abstract*

The article provides information on engineering safety and technical security of objects.

Keywords: information, information threats, protection of information, sources of information, protection of engineers.

Ахборот манбаларини физик ҳимоялаш тизими нияти бузуқнинг ҳимояланувчи ахборот манбаларига суқилиб киришини олдини олувчи ҳамда табиий офатдан, аввало ёнғиндан, оғохлантирувчи воситаларни ўз ичига олади.

Инженер конструкциялар таҳдид манбаларини ахборот манбалари томон ҳаракати (тарқалиши) йўлида ушлаб қолувчи тўсиқларни яратади. Аммо ахборотни ҳимоялашни таъминлаш учун таҳдидларни нияти бузуқнинг ва табиий офатнинг ҳимояланувчи ахборотли манбага таъсиридан олдин нейтраллаш зарур. Бунинг учун таҳдид *нейтраллаш воситалари* томонидан аниқланиши ва олди олиниши зарур. Бу масалалар *ахборот манбаларини техник қўриқлаш* воситалари томонидан ҳал этилади.

Ахборотга таҳдидларнинг турлари ва рўй бериши вақтининг ноаниқлиги, ахборотни ҳимояловчи воситаларининг кўп сонлиги ва турли – туманлиги, фавқулот вазиятлардаги вақтнинг танқислиги *ахборотни физик ҳимоялаш воситаларини бошқаришга* юқори талаблар қўяди.

Физик ҳимоялаш тизимини бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар ахборотни ҳимоялаш бўйича йўриқномаларда ўз аксини топган. Аммо йўриқномаларда барча вазиятларни ҳисобга олиш мумкин эмас. Физик ҳимоялаш тизимининг воситалари вақт танқислиги шароитида нотипик вазиятлар содир бўлганида тўғри хулоса қабул қилинишини таъминлаши лозим.

Ахборотни ҳимоялаш унинг самарадорлигини назоратламасдан амалга ошириш мумкин бўлмаганлиги сабабли, бошқариш тизимининг муҳим вазифаси ҳимоялаш бўйича чораларни турли хил назоратлашни ташкил этиш ва амалга оширишдир.

Объектларни инженер ҳимоялаш ва техник қўриқлаш зарурияти статистика орқали тасдиқланади, яъни суқилиб киришларнинг 50% дан кўпроғи ходимлар ва мижозлар томонидан эркин фойдаланиладиган объектларга амалга оширилса, фақат 5 % кучли қўриқлаш режимли объектларга амалга оширилади.

Нияти бузуқ шахсларнинг суқилиб киришлари яширинча, инструмент ёрдамида ёки портлатиш орқали инженер конструкцияларини механик бузиш билан амалга оширилиши мумкин. Баъзи ҳолларда суқилиб киришлар қоровулларни нейтраллаш билан харбий ҳужум кўринишида амалга оширилади.

Ахборотни инженер ҳимоялашни қуйидагилар таъминлайди:

➤ шахси номаълум объектнинг ва табиий офатнинг ахборот манбаларига (ёки қимматбаҳо нарсаларга) қараб ҳаракат қилиши мумкин бўлган йўлдаги табиий ва сунъий тўсиқлар;

➤ фойдаланишни назоратловчи ва бошқарувчи тизимларнинг тўсувчи қурилмалари.

Табиий тўсиқларга ташкилот ҳудудида ёки ёнидаги юриш қийин бўлган жойлар (зовурлар, жарлар, қоялар, дарёлар, қуюқ ўрмон ва чангалзор) тааллуқли

¹Норова Фазилят Файзуллоевна – преподаватель кафедры информационных технологий, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

бўлиб, улардан чегаралар мустахкамлигини кучайтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сунъий тўсиқлар одамлар томонидан яратилиб, табиий тўсиқлардан конструкцияси ва нияти бузуқ таъсирига барқарорлиги билан жиддий фарқланади. Уларга турли деворлар, қаватлараро поллар, шиплар, бино деразалари ва ҳ. тааллуқли.

Нияти бузуқларнинг ғовларни ва механиқ тўсиқларни енгишга уринишларини ҳамда ёнғинни аниқлаш учун турли физик принципларда қурилган *объектларни қўриқловчи техник воситалардан* фойдаланилади.

Сигнализация шлейфи электр занжирни ҳосил қилиб, датчиклар ва қабул қилувчи - назоратловчи асбобларнинг электр боғланишини таъминлайди. Уловчи симларни тежаш мақсадида датчиклар гуруҳларга бирлаштирилади, шлейфлар эса қабул қилувчи - назоратловчи асбоб билан уланади.

Қабул қилувчи - назоратловчи пункт датчиклардан келадиган сигналларни қабул қилиш ва ишлашга, қўриқлаш ходимларини товуш ва ёруғлик сигнали ёрдамида тревога сигналлари келганлиги, датчиклар ва шлейфлар ишлашидаги носозликлар хусусида хабардор қилишга мўлжалланган.

Ҳозирда **телевизион кузатув тизими** кенг қўлланилмоқда. Кузатиш тизими қўриқланувчи ҳудуд ва нияти бузуқларнинг ҳаракатини масофадан визуал назоратлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Борисов М.А., Романов О.А. Основы организационно-правовой защиты информации. Изд. 4-е-М: Ленанд, 2015.

© F.F. Norova, 2018